



## МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲИ БОЛАЛАРИНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Холбоева Гулнора Улашовна

*ТерДПИ ўқитувчиси*

Мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун сифатли таълим-тарбия шароитларини яратиш мактабгача таълим ташкилотларининг асосий мақсади ҳисобланиб, бунда болаларнинг ривожланганлиги даражасини ва уларнинг умумий бошланғич таълимга тайёрлиги, шунингдек, уларнинг ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, жисмоний ва ижодий ривожланишини баҳолаш асосида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш назарда тутилади. Бу ўз навбатида мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига умумий тайёргарлигини баҳолаш жараёни самарадорлигини ошириш билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш заруриятини келтириб чиқаради:

- мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини, шунингдек, боланинг ривожланиши ва унинг умумий бошланғич таълимга тайёрлигини комплекс баҳолашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- мактабгача таълим ташкилотлари учун ўқув-методик, дидактик материаллар ва бадий адабиётларни танлаб олишни ва экспертизасини ишлаб чиқилган тартибга мувофиқ ўтказиш;

- мактабгача таълимнинг муқобил шакллари, қўшимча таълим учун янги ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- мактабгача таълимда фанларни ривожлантирувчи муҳитнинг инновацион технологиялари ва модулларини ишлаб чиқиш, мактабгача ва умумий бошланғич таълим изчиллигининг мазмун ва процессуал компонентларини оптималлаштириш;

- мактабгача ёшдаги болаларнинг бадий-эстетик ва музикий тарбия ҳамда таълим даражасини ошириш, боланинг келгусида ўзини ўзи муваффақиятни намоён қилиши учун асос сифатида ижтимоий-эмоционал кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш назарда тулади.

Маълумки, болаларни мактаб таълимига тайёргарлик даражасини баҳолаш аниқ мақсадга йўналтирилган, тизимли жараён ҳисобланади. Бунда мактабгача ёшдаги, хусусан, мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг мактаб таълимига умумий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, умумий тайёргарликни шакллантиришнинг педагогик-психологик, физиологик, ижтимоий аспектларини ўрганиш, шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари, оила ва мактабнинг мазкур жараёндаги имкониятлари диагностикаси хулосаларига таяниб, мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг мактаб таълимига тайёргарлиги қуйидаги босқичларда кечиши аниқланди:



I-босқич. Билиш фаолиятига мотивацион йўналганлик; ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши; коммуникатив кўникмаларнинг ўзлаштирилиши; “Мен” концепциясининг англаниши.

II-босқич. Шахсий-фаолиятли ёндашувнинг қарор топиши; ижтимоийлашув, ташаббускорлик, гуруҳда ишлаш, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан талабчанлик, коммуникативлик; каби шахсий сифатларнинг ривожланиши.

III-босқич. Ўқув (мактаб) фаолиятига бўлган қизиқишнинг шаклланганлиги; ижодкорлик; билиш фаоллиги, ижтимоий-шахсий фаоллик ва шахсий ўсиш, ахлоқий тасаввурларнинг шаклланиши, ўз-ўзига баҳо бериш; топшириқларни мустақил бажариши; ҳиссий барқарорлик.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тадқиқот давомида мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг мактаб таълимига тайёргарлигини шакллантириш ва баҳолаш жараёни моделини ишлаб чиқиш ва уни назарий жиҳатдан асослаш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди.

Келтирилган босқичлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарты бу мактабгача таълим ташкилотларида умумий тайёргарлик жараёнига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни асослашда намоён бўлади.

Илмий-педагогик тадқиқот жараёнида олинган кузатиш ва эмпирик таҳлил натижаларини назарий жиҳатдан таҳлил этиш, умумлаштириш натижасида мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг мактаб таълимига тайёргарлигини шакллантириш ва баҳолаш жараёнининг самарадорлиги қуйидаги омилларга асосланишини аниқланди:

- ижтимоий омил - оила, мактабнинг боланинг мактабга тайёргарлиги борасидаги кутувлари; оила, мактабгача таълим ташкилоти ва мактабнинг болани мактабга тайёргарлигини шакллантириш ва баҳолаш жараёнидаги ҳамкорлиги, Давлат талабларининг болаларни ҳар томонлама ривожланишини баҳолашга йўналтирилганлиги, ижтимоий институтларнинг фаол таъсири;

- ахборотли-маърифий - ота-оналар, тарбиячи-педагоглар ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларида болаларни ҳар томонлама ривожланиши борасидаги тасаввур ва билимларнинг мавжудлиги ва ўзаро мувофиқлиги; мактабнинг боланинг мактабгача таълим ташкилотидаги ютуқ ва тажрибаларига таянган таълим дастурларини амалга ошириши; индивидуал-дифференциал ёндашув; болаларни ҳар томонлама ривожланиш даражасини кузатиш ва мониторингини олиб бориш, коррекцион-вариатив дастурлар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш борасидаги педагогик-психологик ва маҳсус-методик билим, малака ва кўникмалар мажмуаси;

- ташкилий-методик омил – инновацион таълим турлари: шахсга йўналтирилган, табақалаштирилган таълим, интерфаол таълим, ҳамкорлик таълими, дастурий таълим, муаммоли таълим, ўйин технологиялари, ривожлантирувчи таълим ва бошқалардан мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш; ота-она ва тарбиячиларнинг ўзаро ҳамкорлиги; тарбияланувчиларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларига эғалиги, тарбияланувчиларнинг мактаб



таълимига нисбатан ижодий ёндашувлари, тарбияланувчилар билиш фаолиятининг объектив баҳоланиши;

- квалиметрик омил - психодиагностик методикалар базасининг мавжудлиги; ўқув-ахборот манбалари (такомиллаштирилган ўқув дастурлари, маъруза матнлари, методик қўлланмалар, ишланмалар, медиа маҳсулотлар), машғулот жиҳозлари ва кўргазмалар, рақамли технологияларга асосланган дидактик ишланмалар, болаларнинг индивидуал ривожланиш харитаси.

Мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг мактаб таълимига муваффақиятли тайёргарлигини шакллантириш қулай ташкилий-педагогик шарт-шароитни яратишни талаб қилади.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. [Мактабга тайёрлов гуруҳи болаларини мактаб таълимига тайёргарлигининг мазмуни](#) ГУ Холбоева - Innovation in the modern education system, 2023
2. [Болаларини мактаб таълимига психологик тайёргарлиги](#) ГУ Холбоева - Новости образования: исследование в XXI веке, 2022
3. [Формирование трудового воспитания у детей дошкольного возраста](#) ГУ Холбоева, РЖ Окбоева - Евразийский научный журнал, 2018